

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шавни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 13-модда.



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

42
(1048)-son

19-oktabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

MUHOKAMA UCHUN MAVZU

Гўшакнинг ИККИНЧИ ТОМОНИ

ёки Уяли телефонларнинг
саломатликка салбий таъсири ҳақида



Фан-техника тараққиётининг тухфаларидан бири уяли телефонларнинг кашф қилиниши бўлди, десак янглишмаймиз. Бугун бу мўъжаз қурилма барчамизнинг доимий ҳамроҳимизга айланган. Унинг қулайликларини санаб адоғига етиш қийин. "Мулоқот доирасидан ташқарида" бўлиб қолмасангиз бўлди, ҳар доим, ҳар жойда истаганингизча мулоқотга киришишингиз, масофадан туриб муаммоларингизни ҳал этишингиз мумкин. Аммо... аммо, танганинг икки томони бўлганидек, уяли телефондан ҳам меъёридан ортик, зарур хавфсизлик техникаларига амал қилмасдан фойдаланиш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам бор гап. Келинг, шу ҳақда сўз юритамиз.


5-бет

Сўнги янгилик!

"Касперский лабораторияси" ўз амалиёт тизimini чиқармоқчи.

Компания раҳбари Евгений Касперский бўлажак лойиҳани "ўта муҳим ахборот тизимлари учун мўлжалланган ҳимояланган амалиётлар тизими (Industrial Control Systems, ICS)" дея шарҳлаган. Янада оддийроқ айтганда, бу амалиёт тизими компьютер ўйинлари ўйнаш, видеони таҳрир қилиш ёки ижтимоий тармоқларда мулоқот қилишга ярамайди.

Янги тизим Халқаро электралоқа иттифоқининг Дубайда ўтказилган Telecom World 2012 анжуманида ҳавола этилган.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

| | |
|--|----|
| ■ IPTV — ҳам замонавий, ҳам сифатли, ҳам ноанъанавий хизмат демақдир | 2 |
| ■ Ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилади | 3 |
| ■ Ахборот жамиятининг ўлчамлари | 4 |
| ■ Чемпионат мира по программированию ACM-ICPC в подрегионе Middle Asia | 6 |
| ■ Тил жозибаси | 11 |
| ■ Почта алоқаси объектларида янги хизматлар жорий этилди | 12 |

Теледастурлар, спорт, сканворд

**Umadan
Umagacha**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футбол бўйича Ўзбекистон волионлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Тошкентда "Экологик назорат субъектларини аниқлашнинг долзарб масалалари. Экохаракатнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолияти" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Экохаракатнинг депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда асосий эътибор экологик назоратнинг муҳим вазифалари, принциплари ва субъектларига алоқадор қонун лойиҳаси қоидаларининг муҳокамасига қаратилди.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида маданият ва санъат соҳасида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

Тошкентда 15 октябр кунини Жанубий Кореянинг кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ва эришган ютуқларига бағишланган конференция ҳамда мазкур соҳада қўлланиладиган Корея технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг йигирма йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида "Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Танловнинг якуловчи босқичида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 84та бошланғич хотин-қизлар ташкилоти қатнашди. Кўрик-танлов ғолиблари 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини арафасида эълон қилинади.

Пойтахтимизда "Талаба-2012" халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг "Neo-Konsalting" таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг олий таълим муассасалари, тегишли идоралари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, талабалар иштирок этди. Кўргазма иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасида юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти ўтказилди. Унда мазкур мамлакатда фаолият кўрсатадиган етакчи сайёҳлик агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Учрашувда иштирокчилар эътиборига мамлакатимиздаги бетақдор тарихий обидалар ҳақидаги маълумотлар ҳавола қилинди.

Учрашув

Шу йилнинг 15 октябр кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазирлиги вазири ассистенти Чанг Кванг Су бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ўзаро алоқалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.



Делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи шу йилнинг сентябр ойида мамлакатимиз Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалдаги ижроси

ва ечимларини жорий этиш учун Ўзбекистон ва Кореяда АКТнинг ривожланиш тажрибаларини ўзаро ўртоқлашди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро имзоланган ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Учрашув чоғида Кореянинг давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш тажрибалари ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари билан таништирувчи тақдимот ташкил этилди. Ўзбекистон томони ҳам мамлакатимизда АКТ ва компютерлаштириш ривожига оид тақдимотни намойиш қилди.

Тошкентга ташриф мобайнида делегация мутахассислари республикамизнинг турли вазирлик ва идораларида ҳам учрашув ва музокаралар ўтказишди.

aci.uz



IPTV — ҲАМ ЗАМОНАВИЙ, ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ НОАҲЪАНАВИЙ ХИЗМАТ ДЕМАҚДИР

Қарши шаҳрида IPTV рақамли интерактив телевидение хизмати, унинг техник ва улаиш жараёнларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

"Ўзбектелеком" АКНинг "Бизнесни Ривожлантириш Маркази" ҳамда Қашқадарё филиаллари ҳамкорлигида ташкил этилган семинарга вилоятда фаолият олиб бораётган "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатиш шохобчаларининг мутахассислари жалб қилинди.

Семинар иштирокчиларига рақамли интерактив телевидение хизмати ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди. Жумладан, аҳоли бу хизматдан биргина кабелда, антенна-сиз, махсус дастурий таъминотта эга IP-STB (Set-Top-Box) қурилмаси орқали улаиш фойдаланиши,

хизматларнинг интерактивлиги, интернет ва телефон хизматларидан фойдаланиш, махсус буюртма орқали ҳам телевидение хизматларидан вақт бўйича телевидение хизматларининг қўлайлиги тўғрисида атрафлича тушунчалар берилди.

Шунингдек, IPTV мажмуаси, интерактив ва кўшимча хизматлар — жонли эфир, талаб этиладиган видео, истеъмолчининг ўзи белгиланган вақт бўйича телевидение хизматларидан фойдаланиш, видеотасвирни ёзиб олиш, теледастурларнинг электрон кўриниши тўғрисида ҳам амалий кўрсатмалар берилди.

"Бизнесни Ривожлантириш Маркази" филиали мутахассиси Даврон Каримов рақамли интерактив телевидение хизматлари кўрсатишнинг илк қадамлари, мижозларни қайд этиш банки, мижозларнинг аризаларини қайд этиш жараёни, қабул қилинган мурожаатларнинг архивланиши, мижозларни улаш жараёни, бирламчи тўлов, ускуналар хариди, мижозларга техник хизмат кўрсатиш, мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати жорий этилганлиги ҳақида маълумот берди ва семинарда иштирок этган мутахассисларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

XABAR LUG'AT

Алоқа (араб тилидан олинган бўлиб, боғланиш, муносабат маъноларига эга) — турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш; почта, телефон, телеграф, радио, телевидение, интернет, мобил алоқа ва х.к. орқали ахборот узатиш ва қабул қилишни, почта орқали буюмлар юборишни таъминлайдиган тармоқ.

QAROR VA IJRO

Вахшиворда рақамли телевидение

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганга бир йил тўлди. Бу даврда вилоятимизда ҳам қарор ижросини таъминлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Олтинсой туманидаги Вахшивор радиотелевидение узатиш станциясини замонавийлаштириш учун дастлабки қадам ташланди. Мавжуд хоналар рақамли телевидение узатиш қурилмаларини ўрнатишга ҳар томонлама тахт қилиб қўйилди. Санокли кунлар ичида Япониянинг NEC компанияси ҳамкорлигида амал олган истқоболли лойиҳанинг сўнги босқичини бажаришга киришамиз.

Жараён насиб этса муваффақиятли яқунланади. Шундан сўнг вилоятнинг Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Саросий ва Узун каби шимолий туманлари муҳим қулайликка эга бўлади. Яъни, улар илк бор ўн икки каналли рақамли телевидение имкониятидан фойдалана бошлайди. Эътиборлиси, янгилек тоғолди қишлоқларидаги хонадонларга ҳам етиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хориждан келтирилган телевидение узатиш қурилмаларини ўрнатишда жамоамизнинг энг тажрибали мутахассислари иштирок этишди. Улар меҳнати эвазига йўлга қўйиладиган янгилек юртдошларимизга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муборак 20 йиллиги арафасида муносиб тўхфа бўлади.

Келгуси йил кузда Термиз шаҳри ва вилоятнинг жанубий туманларига Учқизил станцияси орқали рақамли телевидение кўрсатувлари узатилади. 2015 йилга бориб, вилоятда шу йўл билан намойиш этиладиган каналлар сони 40га етказилади.

Шавкат САИДОВ,
Сурхондарё вилояти радиотелевидение узатиш марказининг бош муҳандиси



Ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилади

Шу йилнинг 29 октябрдан 2 ноябрга қадар Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона илк бор INFOLIB-2012 Миллий Ахборот-кутубхона ҳафталигини ўтказади.

Ҳафталикнинг асосий мақсади ёшларда мустақил равишда ахборот олишга бўлган интилиш ва қизиқишни қучайтириш, уларни янги чоп этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув-бадиий адабиёт билан батафсил таништиришдан иборат.

Тадбир ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари бўйича вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзрархив, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир.

Ҳафталик китоб мутолаасини омаллаштириш, ахборот маданияти даражасини ошириш, интернет тармоғида миллий контентни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ва интернетни ахборот-кутубхона хизматида айлантириш имкониятларини оширишга қаратилган.

Мазкур ҳафталик давомида ижодий учрашувлар, китоб-иллюстрация кўргазмалари, янги адабиётларнинг очик намойишлари, китоб ярмаркалари, расомлар ва фотосуратчиларнинг кўргазмалари, ижодий қобилиятларни очик бўйича маҳорат мактаблари ўтказилади.

Республикадаги ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик учун "Кутубхона даврлар ва борлик оша" мавзусида давра суҳбатини ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, "Фойдаланувчи: бир қадам пешвўз чиқиш" мавзусида "Бетгер ўқишлари-2012" анжумани ташкил этилади.

СОЛИҚ ТИЗИМИДА интерактив хизматлар афзалликлари


Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш ва олдини олишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади.

Тадбиркорларга енгилликлар яратиш, шунингдек, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш учун ҳам давлат органлари ўз расмий веб-сайтларини барча зарур маълумотлар билан тўлдириб боришлари, интерактив давлат хизматларини йўлга қўйишлари лозим бўлади.

Электрон ҳуқуқатни барпо этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси сифатида ўтган ўн йил давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Жумладан, ана шундай ҳужжатлардан бири — "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, электрон рақамли имзо шахсий имзога тенглаштирилди ва у билан бир хил кучга эга бўлди. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун эса электрон ҳужжатнинг мажбурий реқвизитларидан бири электрон рақамли имзо ҳисобланишини ва электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучга эга эканини белгиледи.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш, хўжалик субъектлари ва аҳоли муурожаатларини электрон шаклда қабул қилиш тизимларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.



Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181-қарори ижросини, шунингдек, солиқ тўловчининг сўрови талабини таъминлаш учун бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида электрон-ахборотлар алмашиниш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга тўлақонли етказиб бериш ва яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида (www.soliq.uz) интерактив хизмат турлари тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, "Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар" интерактив хизмат турининг жорий қилиниши, солиқ тўловчиларга

исталган жойдан туриб интернет тармони орқали тегишли солиқ органларидаги шахсий қарточкаларида юридикаётган ҳисоб-китобларни кўриш ва улардан кўчирма олиш имкониятини яратилган.

Ҳозирда солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажарганлик даражаси ҳақида ёки солиқ қарзи, тўлов муддати ўтказиб юборилганлик учун ҳисобланган пеня ҳамда ортиқча тўланган суммалар ҳақида маъсофадан туриб маълумотлар олиш имкониятидан фойдаланиб келишмоқда.

Мазкур интерактив давлат хизмати туридан фойдаланиш солиқ тўловчиларга қуйидаги афзалликларни яратади:

- солиқ мажбуриятларидан келиб чиқиб, ҳосил бўлган қарздорликни ўз вақтида, қулай ва тез аниқлаш;
- сўралган ҳисобот даври учун давлат солиқ хизмати органларида юридикаётган шахсий қарточкадаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобни шакллантириш ва улардан кўчирма олиш;
- исталган давр учун бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича автоматик равишда солиштирма даволатномаларни шакллантириш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, интерактив хизматдан фойдаланиш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига бориш учун йўл ҳаражатларини, навбат кутиш ва маълумот олиш учун вақт сарфини қисқартиради.

Ҳ. БОБОЖОНОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот-таҳлил бош бошқармаси
бўлим бошлиғи

Xalqaro hayot



ХИТОЙ тошқумирдан газ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмакда, деб хабар беради RATA-TASS. Мазкур лойихага кўра, йилига ўн беш миллиард куб метр газ ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич мамлакатнинг ёқиллигига бўлган талабининг етти фоизини ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўн тўрт миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Тошқумирни қайта ишловчи илк заводлар мамлакатнинг Шенси ва Шанси провинцияларида қурилиши кутилмоқда.

ШИМОЛИЙ РЕЙН-ВЕСТФАЛИЯ (Германия) ҳудудидаги "Elsa-Braendstroem" гимназияси ўқувчилари уй вазифаларини тайёрлашдан озод қилинди. Мактаб директори Бригитта Фонтайннинг сўзларига кўра, ўқувчиларнинг уй вазифаларидан озод қилиниши таълим олиш вақтининг узайтирилгани билан боғлиқ бўлиб, уларнинг дарсдан кейин спорт билан шуғулланиши ва мусика тўғрисида катнашиши учун имконият яратди. Директорнинг айтишича, уй вазифаларининг ўрни дарс машғулотларида фаол иштирок этиш билан тўлдирилди.

ТУРКМАНИСТОН пойтахтида МДХга аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти кенгашининг 57-конференцияси иш бошлади. Анжуманда темир йўл транспорти раҳбарлари қатнашмоқда.

МДХ Ижроия қўмитасининг маълум қилишича, конференцияда 2012 йилнинг сақиз ойи мобайнида темир йўл тармоқлари эксплуатацияси, 2013-2014 йилларда поездлар ҳаракати графиги нормативлари, юк вагонларини ҳисобга олиш ва бошқа масалалар муҳокама этилади.

GERMANYда ўн бир мингдан зиёд ўқувчи Хитойдан келтирилган музлатилган қулушайдан заҳарланди. Роберт Кох институти экспертлари томонидан мевада норовирус мавжудлиги аниқланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Германия мактаблари ошоналарида ушбу қулушайлардан болалар тушлиги учун шарбат тайёрланган ва манний бўтқасига аралаштирилган. Экспертларнинг аниқлашича, ўқувчилар мевалар яхши қайнатилмаганидан касалликка чалинган.

ЕВРОПАлик олимлар смартфонлар учун янги махсус илова дастури яратди. Дастур муаллифларининг сўзларига қараганда, ушбу "Anxiety Coach" дастури одамга руҳий ёрдам кўрсатади. Илова фойдаланувчини ўзига нисбатан бўлган ишонч янада кучайтириш имконини берадиган, ваҳимадан қутулишга хизмат қиладиган турли машқ дастурлари билан таъминланган.

NETBOOKка ихтисослашган дунёнинг кўплаб нуфузли компаниялари ушбу технологияларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ниятида. Тайваннинг "Asus" компанияси нетбук ишлаб чиқаришни тўхтатган. Сабаби, жаҳон бозорига бундай қурилмаларга талаб кескин пасайиб, планшет ва ноутбукларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Ахборот жамиятининг ўлчамлари



Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) "Ахборот жамиятининг ўлчамлари" номили маърузасида жаҳонда мобил алоқа ва интернет хизматлари фойдаланувчилари сони шиддат билан ўсишида давом этаётганлигини хабар берди. Айниқса, ривожланаётган давлатларнинг кўрсаткичлари таҳсинга сазовор, бу мамлакатларда 2010-2011 йилларда ўсиш суръати 10 фоиздан юқори бўлган.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, ҳозирга келиб сайёрамизда мобил алоқа абонентлари сони 6 миллиардга етган ёки ҳар 100 кишидан 86таси мазкур алоқа хизматидан фойдаланмоқда. Хитойнинг ўзига 1 млрд. фойдаланувчи тўғри келади, хабарларга қараганда, йил охиригача Хиндистонда ҳам мобил алоқа фойдаланувчилари сони шунчага етиши мумкин. Сўнгги йилда мобил алоқа билан қоплаш суръати жаҳон бўйича 11 фоизга ўсган. Соҳада кузатилаётган кучли рақобат истеъмолчилар учун қулай нархларни юзага келтирди ва табиийки, бу мобил алоқа хизматларининг оммалашшида муҳим омил бўлди. Кенг полсалани узатиш фойдаланувчилари сони ҳам кўпайиб борапти. 2011 йили интернетдан фойдаланувчилар умумий сони жаҳон бўйича 11 фоизга ўсган. 2011 йил охирига келиб, 2,3 млрд. киши ёки сайёрамиздаги ҳар учинчи киши интернетдан фой-

даланган. Таъкидлаш ўринлики, ривожланаётган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчилар сони ўсиши 16 фоизни, тараккий этган мамлакатларда 5 фоизни ташкил этди.

2008-2011 йилларни ўз ичига олган тўрт йиллик таҳлил натижаларига кўра, мобил алоқа хизматлари ва интернетдан фойдаланиш имкониятлари ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларда тенглашиб борапти. Юқоридаги маъруза муаллифларининг таъкидлашича, МДХ ва Европа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш нарх сиёсати энг мақбул ҳудудлар ҳисобланади.

ХЭИ маълумотларига кўра, хонадонларга интернетнинг кириб бориши борасида, Европа етакчилиги қилмоқда — оилаларнинг 70 фоизи. Америкада бу кўрсаткич 50 фоиздан ошса, МДХда — 37,3, араб мамлакатларида — 25, Осиё-Тинч океани минтақасида — 24,5 фоизни ташкил этади.

АТ-хабарлар



Samsung компанияси бўлинимаси — Samsung Securities таҳлилчиларига кўра, 2013 йилда унинг асосий рақобатчиларидан бири — LG смартфонлар ишлаб чиқаришда дунёда учинчи поволага чиқиб олади. Корейс компанияси, шунингдек, мобил аппаратлар бозорига Nokia, RIM ва HTC компанияларининг мавқеи келгусида янада пасайиб кетишини кўрсатиб ўтган.

Япониянинг катталиги бўйича учинчи ўринда турувчи Softbank мобил алоқа оператори Американинг худди ўзи каби погонани эгаллаб турган мобил алоқа оператори — Sprint Nextelнинг 70 фоиз акцияларини сотиб олишини расман маълум қилди. Битимнинг умумий ҳажми 20 млрд. долларни ташкил этади — бу Америка телекоммуникациялар соҳаси тарихидаги чет эл капитали эвазига амалга ошган энг йirik келишувдир.

Қарзларидан қутулиш йўлларини қидираётган Испания телекоммуникациялар оператори — Telefonica ўзининг Atento бўлинимасини Bain Capital Partners инвестициялар жамғармасига сотишга рози бўлди. Atento компанияси колл-марказлар амалиёти билан шуғулланади, Telefonicанинг соф қарзи эса бугунги кунда деярли 58 млрд. еврога етган. Савдо шартномаси 1,04 млрд. еврога баҳоланган.



Хитой полицияси интернет-жироотларга ихтисослашган 700дан зиёд гуруҳни хибсга олди. Шу тариқа жами салкам 9000та кибержироотчи қўлга олинган. Улар қалбаки дори воситалари, тақикланган дориворлар сотишда, зарарли дастурлар, беҳаёликни тарғиб қилувчи контент тарқатишда, тармоқ фирибгарлиги билан шуғулланишда айбланмоқда. Полиция расмий баёнотида мазкур тадбирдан мақсад "тармоқ муҳитини соғломлаштириш ва тозалаш"га қаратилгани айтилади.



Google молиялаштириш даражаси бўйича Microsoftни ортда қолдириб, жаҳон АКТ компаниялари орасида иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Душанба куни бўлиб ўтган биржа савдоларида компания акциялари баҳоси 1 фоизга ўсиб умумий 249,9 млрд. долларни ташкил қилди. Microsoftда эса, аксинча, акциялари баҳоси 1 фоизга пасайиб, жами ҳисоблаганда 247,3 млрд. долларлик кўрсаткич қайд этилди.

АКТ соҳасининг энг қиммат компанияси, шак-шубҳасиз, Apple бўлиб қолмоқда. Компания айни пайтда 618,1 млрд. долларга баҳоланяпти.

Hurun Research Institute тадқиқотлар институти (Хитой) Хитой АКТ саноатининг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди.

Рўйхатни Хитой етакчи интернет-қидирув тизими — Baiduning йirik акциядори Ли Янхун бошқармоқда (46 млрд. юан — 7,3 млрд. доллар).

Иккинчи ўринни Tencent (QQ онлайн мулоқот хизмати) компанияси асосчиси Ма Хуатэн (36 млрд. юан), учинчи ўринни Netease корпорацияси раҳбари Дин Лэй (21,5 млрд. юан) банд этган.

Google корпорацияси MasterCard компанияси билан ҳамкорликда MasterCard-Google кредит картасини чиқарди. Расман янги пластик карта Google AdWords Business Credit дея аталиб, фақат Google хизматлари учун фойдаланиш мумкин бўлса-да, бошқа аънаваний банк карталаридан деярли фарқ қилмайди: фойдаланувчининг номи, махфий код, пин-код ва голограммалари бор.

Гўшакнинг ИККИНЧИ ТОМОНИ

ёки Уяли телефонларнинг саломатликка салбий таъсири ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Инкор этишга шошилманг

Телефонда соатлаб гаплашиш одати инсон саломатлига қандай хавф туздириши мумкин? Орамизда бепасандлик билан елка қисганча шу саволни берадиганлар ёки саволни умуман инкор қиладиганлар ҳам учраб туради. Бундай одамларга уяли телефонларнинг энг оддий зарарларини эслатамиз: бекорга вақт (пул) сарфлаш, кулоқда кадоқларнинг пайдо бўлиши, билак ва тирсақларда оғриқ ва ниҳоят оғир аллергияни келтириб чиқариш. Жавобдан қоникмаганлар учун батафсил изоҳ беришга ҳаракат қиламиз.

Хозирги замон қўл телефонларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларнинг кўпчилиги кучли аллергияни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг ичида энг хавфлиси никел бўлиб, эркаларнинг 3 фоизда, аёлларнинг эса 17 фоизда ушбу металлга нисбатан патологик аллергия бор экан. Ушбу муаммога баришланган маъруза Американинг аллергия, астма ва иммунология коллежининг ҳар йилиги конгрессида тақдим этилган.

"Қўл телефонлари кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган, баъзи одамлар даярли кун бўйи қўл телефонда гаплашадилар. Бу потенциал алергенлар билан доимий алоқада (контакт) бўлиш демак, — дейди тиббиёт фанлари доктори, алерголог Люц Фонасе. — Таъсирчан одамларда никелга бўлган реакция одатда алоқа қилинган доирада — юз ва кулоқларда қизариш ва кучли қичишиш кўринишида намоён бўлади".

Шифокорларнинг таъкидлашчига, охириги вақтларда аллергия "тажовузкор" бўлиб бормоқда, шундай ҳолатлар кузатишмоқдаки, қўл телефони билан алоқада бўлган тана қисмларида пуффакчалар пайдо бўлиб, териға шикаст етмоқда, улар даволанган-

дан сўнг чандиқ бўлиб қолмоқда. Энг катта хавф бу — шиш бўлиб, ундан одам ҳатто ўлиши ҳам мумкин экан...

Никелга нисбатан бўлган аллергия фақатгина қўл телефонда гаплашганда юзга келмайди. Қалитлар, тангалар ва қоғоз учун скрепка ҳам ёқимсиз реакция сабабчиси бўлиши мумкин. Лекин, барибир, энг оғир оқибатлар телефонда кўп гаплашувчиларда учрайди. "Таркибида никел бўлган жисмларга нисбатан аллергия юзга келиши ҳоллари бизни ташвишга солмоқда. Ўтказилган "рейтинг"нинг биринчи ўрини қўл телефонлари, иккинчи ўрини — соатлар, заргарлик буюмлари, шунингдек, кўзойнақларнинг гардишлари эгаллаган", — дейди доктор Фонасе.

Жиззакилигингиз сабаби...

Олимлар мобил телефонни телевизор пайдо бўлгандан буён энг оммавий жаззакиликни келтириб чиқарган қурилма деб ҳисоблашмоқда. Хўш, телефон соғлиқ учун шунчалки хавфлими? Британиялик тиббиётчилар мобил телефон бош мия реакциясини тезлаштиришини, агар телефонда суҳбатлашиш суистемол қилинса, мия саратонига ҳам олиб келишини тасдиқлашмоқда.

Уяли телефондан фойдаланиш келтириб чиқарадиган муаммоларни икки қисмга бўлиш мумкин: маънавий-маданий муаммолар ва инсоннинг жисмоний саломатлиги билан боғлиқ муаммолар.

Мобил телефоннинг жисмоний саломатликка таъсири электромагнит нурланишидир. Амалиётда исталган электромагнит нурланиш таъсирини икки турга ажратиш қабул қилинган: термик ва нотермик.

Нурланишнинг термик таъсирини таққослайдиган бўлсак, масалан, товукни микротўлқинли печга қўйсак, қиска вақтда



Дахшатлиси, соғлиқ билан боғлиқ бу муаммолар шу ондаёқ пайдо бўлмайди, демак, жараённи назорат қилишнинг имкони йўқ.

тай-омга эга бўламанг. Уяли телефондан нурланиш ҳам тахминан худди шундай таъсир кўрсатади. Телефоннинг асосий нурланиш манбаи бўлган антенна эса бош миядан уч сантиметр масофада туради. Табиийки, бу миянинг алоҳида қисмида ҳароратнинг ошишига сабаб бўлади. Узок давом этган суҳбатлашишда термик таъсир миядаги ҳароратни янада ошириб юбориши мумкин.

Нотермик ёки информациявий таъсир сotalи аппаратлар частоталари инсоннинг бош мияси табиий биоэлектрик частоталари билан тўқнаш келганда намоён бўлади. Ташқи (телефон) ва ички (мия) частотанинг уйғониши давомида бош миянинг метъерий фаолиятига зарар етади. Бундай ўзгариш суҳбат якунланганидан сўнг ҳам узок муддат йўқолмайди ва бу фақат электроэнцефалограммада аниқланади.

Телефон будилник эмас

Бугун кўпчилик уяли телефонни кроватининг бош тарафиға ёки ёстиғи остига қўйиб, ундан будилник сифатида фойдаланади. Бу инсон саломатлигиға салбий таъсир кўрсатувчи энг зарарли омиллардан биридир. Чунки биз тунда ухлаймиз, бош миямиз ва уяли телефон эса "ухламайди". Телефон доимий, ҳатто кутиш қақирuvi ҳолатида ҳам пулс тартибида ишлаб туради.

Швед олимлари мобил телефон нурланиши бош миянинг муҳим тўқималарини

аста-секин зарарлашини исботладилар. Германиялик олимлар эса уяли алоқадан узлуксиз фойдаланиш хотира сусайишиға, таълим олишға бўлган иштиёқнинг ёмонлашишиға, уйқунинг бузилишиға, бош оғриғиға, асабийликнинг ошишиға, жинсий фаолиқнинг сусайишиға олиб келиши мумкинлигини тасдиқлашмоқда.

Харков тиббиёт университетида 137 нафар мобил телефон фойдаланувчиси орасида тадқиқот ўтказилди. Маълум бўлдики, мобил телефондан тўрт йилдан ортиқ фойдаланганлар ва уни асосан камариға осиб юрганларда бевосита мия фаолияти билан боғлиқ бўлган жинсий фаолиқнинг сусайиши кузатилган.

Назарий ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, агар "Поиск сети" тартиби кунда бир марта 20 дақиқа ёқилса — умуман хавфсиздир. Аммо агар телефон ушбу тартибда ҳар куни 4-5 соатдан ишласа, 3-4 йилдан сўнг турли асоратлар пайдо бўлади.

Уяли телефоннинг инсон саломатлигиға нохуш таъсирининг асосий аломатлари: бош оғриғи; хотира ва диққат-эътиборнинг сусайиши; чарқоқлик; депрессив касалликлар; кўз оғриғи ва ёшлианиши; кўриш қобилиятининг ёмонлашиши; артериал босим ва пулсининг ошиши (мобил телефонда суҳбатлашгандан сўнг артериал босим 5дан 10 мм. симоб устунигача ошиши мумкин экан). Дахшатлиси, соғлиқ билан боғлиқ бу муаммолар шу ондаёқ пайдо бўлмайди, демак, жараённи назорат қилишнинг имкони йўқ.

Кўпчилик фойдаланаётган миниатюралли наушниклар уяли телефонларнинг зарарли таъсирини қайтарилади, деб ҳисобланади. Аслида эса аксинча. Британия истеъмолчилар ассоциацияси тадқиқотида аниқланишича, ушбу қурилманинг ўзи антеннанинг бир кўриниши, шу боис электромагнит нурланиш бу ҳолда кўпаяди. Қурилма кулайлик туғдиради, ҳолос.

Ўзимизни қандай ҳимоя қиламиз?

Бугунги кунда уяли телефондан фойдаланиш зарарлими ёки фойдали, бу борада аниқ тўхтама қилиш қийин. Лекин қуйидаги қоидаларға амал қилинса мақсадға мувофиқдир:

- танаффуссиз 3-4 дақиқадан ортиқ гаплашманг;
- уйда ва офисда оддий симли телефондан фойдаланинг;
- SMS хизматидан фойдаланиб туринг;
- тунда телефонингизни кроватингиз бош тарафиға қўйманг;
- мобилнингизни сумкангизда олиб юринг;
- болаларингизнинг уяли телефондан фойдаланишлариға йўл қўйманг;
- автомашинида уяли телефондан фойдаланманг;
- "мулоқот доирасидан ташқарида" телефонни ўчириб ёки чўнтагингиздан олиб сумкангизға солиб қўйинг.
- Мақоламиз билан уяли телефондан фойдаланишни буткул инкор қилмоқчи эмасми. Айтмоқчи бўлганимиз, унутманг, соғлиқ — бебаҳо неъматдир.
- Ўзингизни севинг!
- Соғлиқингизни асранг!

Усмонжон Йўлдошев

Телефон нурланиши мияға қандай таъсир кўрсатади?

8 ёшгача


8дан 16 ёшгача

Катта киши

- бош миянинг нурланиш таъсир кўрсатадиган қисми.

"Мобил алоқа ва саломатлик" гуруҳи (Буюк Британия) маълумотлариға кўра.

ТАХРИРИЯТДАН: Азия ўқувчилар! Гарчи газетамиз саҳифаларида уяли телефонларнинг саломатлигини кўрсатадиган салбий таъсирлари ҳақида бир неча мақолалар чоп этган бўлсак ҳам, яна шу мавзуға қўл урдик. Мақсадимиз, барчанинг, айниқса, ўсиб келаятган ёш авлод онгида телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларға ҳар нарсда меъёрга амал қилишни яна бир бор эслатиб қўйишдир. Сизчи? Сиз бу борада қандай фикрдасиз? Фикр ва мулоҳазаларингизни кўтиб қоламиз.



Лучшие команды Узбекистана представляет страну на предстоящих соревнованиях по программированию ACM-ICPC.

3 ноября 2012 года в Ташкентском университете информационных технологий состоятся четвертьфинальные соревнования студенческого командного Чемпионата мира по программированию в подрегионе Middle Asia.

Ежегодно в период с октября по декабрь проводятся региональные, отборочные и финальные соревнования Олимпиады по информатике и программированию среди школьников, учеников академических лицеев и профессиональных колледжей, а также четвертьфинальные и полуфинальные соревнования.

Организаторами данных событий являются: Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Узбекское агентство связи и информатизации, Министерство народного образования Узбекистана, Ташкентский университет информационных технологий, спонсоры и заинтересованные лица.

ACM International Collegiate Programming Contest – ежегодный студенческий чемпионат мира по программированию среди сборных команд высших учебных заведений.

Чемпионат проводится под эгидой наиболее авторитетной в компьютерном мире международной организации ACM (Association for Computing Machinery) с 1977 года. Число участников соревнований постоянно растет, следовательно, возрастает стремление ведущих фирм и корпораций привлечь лучших из них в качестве своих работников.

В состязании принимают участие команды, состоящие из студентов высших учебных заведений всего мира. Prestижность и популярность этого соревнования наглядно показывает интеллектуальный компьютерный потенциал и рост общего уровня развития информационных технологий каждой страны и мира в целом.

Чемпионат разделен на три этапа: четвертьфинал, полуфинал и финал. Каждая команда состоит из трех человек. К участию допускаются студенты высших учебных заведений, а также аспиранты перво-

Чемпионат мира по программированию ACM-ICPC в подрегионе Middle Asia



го года обучения. Студенты, дважды участвовавшие в финальной стадии олимпиады, или пятикратно принимавшие участие в региональном отборе, не допускаются к участию.

Каждый этап соревнования проходит следующим образом: команде выдается один компьютер и от 6 до 12 задач на английском языке с различным уровнем сложности. Соревнование длится 5 часов. Команды пишут решения на разрешенных языках программирования и посылают их на сервер, где сервер тестирует решения. Если посланное решение верно по всем условиям, то команда поднимается в турнирной таблице, иначе ей засчитывается штрафное время. Команды, решившие

наибольшее количество задач проходят в следующий этап чемпионата мира.

Участникам разрешается пользоваться словарями (русско-английский словарь и т.п.), листами чистой бумаги и различными письменными принадлежностями. Запрещается пользоваться книгами, электронными словарями, справочными материалами, различными инструкциями, программными листингами, личным компьютером, мобильным телефоном и другими электронными устройствами.

Желаем удачи и победы командам в предстоящем состязании!

**Т.ЯКШИМБЕТОВА,
Е.ДАНИЛОВА,
студенты ТУИТ**

В национальной библиотеке

продолжается работа по пополнению электронной базы информационных ресурсов и присвоению изданиям номеров ISBN и ISSN,

В Национальной библиотеке им. Алишера Навои для удовлетворения информационных потребностей населения, а также в целях расширенного использования возможностей информационно-ресурсных баз, начиная с текущего года, служба формирования национальных библиографических баз данных пополняет электронную базу данных АИБС материалами периодических изданий краеведческого характера.

В Национальной библиотеке по состоянию на 8-12 октября 2012 года осуществлены следующие работы по пополнению электронного каталога: введено 73 экз. газет; 20 экз. журналов, итого 650 библиографической записей; отредактировано 247 библиографических записей.

По выдаче международного стандартного номера книги (ISBN) и международного стандартного номера периодического издания (ISSN), издаваемых в Республике Узбекистан осуществлены следующие работы: выданы 186 номера ISBN (книги для взрослых – 184, для детей – 2) и 9 накладных и счет-фактур. Было составлено 8 договоров на 95 наименования литературы для взрослых и 1 наименований детской литературы.

На 11 номера ISSN (новые номера 2, на 2 периодических изданий выданы накладные и счет-фактуры) составлено 7 договоров.

natlib.uz

Придание современного облика объектам почтовой связи

В целях дальнейшего формирования современного облика почтовых объектов, а также модернизации сети почтовой связи, внедрения и развития новых видов услуг на базе информационно-коммуникационных технологий и оказания качественных услуг для населения ОАО "Узбекистон почтаси", ведутся работы по улучшению эстетического вида операционных залов и фасадов зданий почтовых объектов. Так, в октябре месяце текущего года Каракалпакским филиалом сдано в эксплуатацию новое здание Нукусского городского почтамта и почтового обменного пункта. Здание построено с учетом требований сегодняшнего дня и оборудовано новой мебелью и техникой.



На фотографии здание Нукусского городского почтамта и почтового обменного пункта Каракалпакского филиала.

pochna.uz

Внимание: руководителям хозяйствующих субъектов

Узбекское агентство связи и информатизации оповещает о проведении конкурса на выполнение научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации в 2013 году по следующим научным направлениям:

1. Разработка учебников и учебных пособий нового поколения по современным технологиям, технике связи и информатизации.
2. Системно-сетевые аспекты развития сетей телекоммуникаций Узбекистана практической направленности.
3. Управление радиочастотным спектром, оптимизация использования радиочастотного ресурса. Обеспечение электромагнитной совместимости и безопасности работы радиоэлектронных средств.
4. Методы и средства обеспечения информационной безопасности и криптозащиты.
5. Новые источники энергоресурсов и оптимизация энергосбережения.
6. Развитие почтовой связи на основе внедрения новых технологий, услуг.
7. Внедрение электронных технологий в государственное управление, образование, экономику и социальную сферу.
8. Инновационные и экономические аспекты развития сферы связи и информационных технологий.
9. Исследование и разработка информационных ресурсов и программного обеспечения.
10. Исследование и разработка систем и технологий радиосвязи, радиовещания и телевидения.
11. Подготовка вклада администрации связи РУз в деятельность сферы связи и информатизации.

Приём научно-технических проектов на конкурс до 15 ноября 2012 года.

Проекты научно-исследовательских работ принимаются научным секретарем научно-технического совета Узбекского агентства связи и информатизации. Требования к научно-исследовательским работам представлены в Положении о порядке проведения на конкурсной основе научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации (приказ УзАСИ от 11.12.2007 № 349).

Дополнительная информация размещена на официальном сайте УзАСИ (страничка "НТС УзАСИ") и НТО РЭС (страничка "Новости").

Форма для подачи предложений

| Наименование проекта | |
|--|--|
| Краткое содержание проекта | |
| Руководитель (Ф.И.О.), научная степень, звание | |
| Количество основных исполнителей | |
| Сроки исполнения | |
| Объем финансовых средств | |
| Наличие патентов, статей, объявленных в журналах | |
| Ожидаемые результаты | |
| Контактная информация | |

Телефон для справок:
238-41-76 (Ученый секретарь НТО РЭС)

Хабар + TV

2012-йил 19-октябрь
42 (1048)-сон

ОҲБИРОТ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
6.55 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Онам ва одам" дастури "Об-ҳаво мўъжизалари".
7.15 "Иқлим".
7.20 "Кўнгли қўнглик истайдиган".
7.30 "Ўй юмушлари". Т/с.
8.00 "Тарихимиз".
8.40 - 9.30 "Миллават" дастури.
9.30 "Модир қўллар".
9.40 "Тараққиёт дастури".
10.10 Телсентр: "Наҳот истаб".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абдор".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
12.50 "Кўнгли қўнглик истайдиган".
13.00 "Нав ислом". Т/с.
13.30 "Зиё" студияси: "Этиҳод меҳнатидини йўлдан".
14.00 "Абдор".
14.15 Миллий кино: "Пари момо".
15.30 "Ифтикор".
15.35 "Онам ва одам" дастури: "Табият ҳўқислари".
16.20 "Рўнги дунё".
16.40 "Ўзбекистон табияти".
17.00 "Абдор".
17.10 "Истиқбол фарзандлари".
17.25 "Иқлим".
17.30 "Эртанинг вақтинчалик етказилар".
18.00 "Кўнгли қўнглик истайдиган".
18.10 "ТВ - шўфдор".
18.15 "Иқлим".
18.20 "Ватан манзиллари".
18.40 "Доктор Хўс". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абдор" /рус/.
20.05 "Олтин мерос".
20.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
21.00 "Абдор".
22.00 "Иқлим ва қўнгли".
22.40 "Мўрбат таом". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Композитор Раис". Т/с.
23.30 "Онам ва одам" дастури: "Об-ҳаво мўъжизалари".
23.45 23.55 "Ўн".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Модир қўллар".
00.15 Телсентр: "Наҳот истаб".
00.50 "Кўнгли қўнглик истайдиган".
1.00 "Абдор" /рус/.
1.30 - 2.35 "Миллават" дастури.
2.35 "Рўнги дунё".
2.55 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон"
4.00 "Абдор".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Ўзбекистон табияти".
5.50 - 5.55 "Ўн".

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тарихимиз".
6.10 "Ўй-йўмалари".
7.30 "Муълитпанорам".
8.00 "Ёшлик наволар".
8.20 Миллий сериал: "Чоррақдаги уй".
9.00 "Мўъжизалий дунё".
9.50 "U2EX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Коломбо". Т/с.
11.00 "Автопарти".
11.20 "Ўзбекистон".
11.40 "Маҳаллимиз ёшлари".
12.00 "Куз чағилари".
12.10 "Доворак". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Автопарти". Б/ф.
14.50 "Ёшлик наволар".
15.10 "О, спорт!".
15.20 Миллий сериал: "Жўблўжўб".
16.00 "Давр".
16.10 "Афсона ва ҳўқидат".
16.00 "Салокат". Б/ф. 1-кўрим.
18.30 "Ёшлик наволар".

ДУШАНБА — 22 ОКТЯБР

18.50 "U2EX".
19.00 "Давр".
19.30 "Новак ҳақлари". Т/с.
20.20 "Муълаллим, соғлом оила".
21.00 "Эртанинг болўжўблари".
21.10 "Доворак". Т/с.
22.00 "Давр".
22.20 "Коломбо". Т/с.
22.30 "Афсона ва ҳўқидат".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ёшлик наволар".
00.30 "Давр".
1.00 "Доктор Қўнгли". Т/с.
2.30 "Иқлим психологиси".
3.00 Миллий сериал: "Чоррақдаги уй".
3.30 "Иқлим кўнглишлар".
4.00 "Салокат". Б/ф. 1-кўрим.
5.30-6.00 "Парқ таърифи".

6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 "Сингап таъри". Б/ф.
7.20 "Белалитим-сўттин ча".
7.30 "Салом, Тошкент!".
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 "Эртанинг ёшлари".
9.05 "Ҳалат бўғиси".
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал оқудон".
9.30 "Пойтахт".
9.40 "Сўрашувлар орали".
10.15 "Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти".
10.30 "Пойтахт". /рус тилида/.
10.40 "Азодат мезони".
11.00 "Терминал". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент!".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Эртанинг" Т/с. 1-кўрим.
15.45 "Миллават фарзандлари".
16.00 "Тавит нурали".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мўльсериал: "Денгиз илгари". 12-кўрим.
17.10 "Уларим".
17.15 "Бизнес-пойтахт".
17.20 "Касбим-фарқим".
17.40 "Пойтахт йўллари".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Интеллектуал оқудон".
18.35 Миллий сериал: "Дил пайванши".
19.00 "Эълўқод".
19.20 Тошкент тароналари.
19.35 "Теле-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Хайри тўли, болўжўб".
20.35 "Фўқат қўлар уюни".
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 "Интервью".
21.25 "Теле-маркет".
21.50 "Жўмон". Т/с. 158-кўрим.
22.30 "Пойтахт". /рус тилида/.
22.50 "Жўдан ашўрилар". /рус тилида/.
23.05 "Эво-пойтахт". /рус тилида/.
23.15 "Кино SMS". /рус тилида/.
23.20 "Небо радом". Х/ф.
00.50 Кўрсатувлар тартиби.
00.55 "Кайт ва Лео". Х/ф. /рус тилида/.
2.50 "Уларим".
3.00 "Терминал". Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент!".

6.00 "Хайри тўли".
6.10 "Саломат бўлишим".
6.30 "Жасур боллар".
7.00 "Беткор голлар". Х/ф.
7.25 Боллар мўъжизаси.
8.00 Гўнаимати.
8.00 "Саломат бўлишим".
8.30 ХАБАРЛАР.
8.55 "Саломат бўлишим".
8.55 "Фўтбол Италия чемпионати".
10.40 "Автомотоспорт".
11.35 "Велобой". Кўларб ўртасидати. Жўдан чемпионати.

12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Боллар мўъжизаси.
"Спортландиган" Муълитим.
13.40 "Алрон Сина". Х/ф.
14.00 "Ринг қўрқўллар".
15.05 Теннис. АТР/ WTA турнири.
15.15 "Интерфўтбол".
18.00 Боллар мўъжизаси:
"Спортландиган" Муълитим.
18.25 "Эълўқод".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хўлимаси.
18.55 "Ватан шўнли".
19.20 Дўқо. Хўқор турнири.
20.30 "Спорт - маркет".
20.40 "Фўтбол шўрғ".
21.25 "Эълўқод".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хўлимаси.
21.55 "Интерфўтбол".
22.35 Сашаги дастури анўиси.
22.45 "Фўтболлар ушши". Хўқор турнири.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.25 Евроголлар.
1.55 "Ватан шўнли".
2.15 Автомотоспорт.
3.05 "Спортимиз маълумлари".
3.25 "Велобой". Кўларб ўртасидати. Жўдан чемпионати.
4.45 - 5.50 Теннис. АТР/ WTA турнири.

07.00 09.10 10.30 14.00 15.20 17.00 19.40
20.30 00.10 "TVM" наволари
08.00 "Prime time"
08.10 Сериал "Хўлиштўн йўллари"
09.40 Сериал "Без сўла"
11.30 "Человек-паук" Х/ф.
14.10 Сериал "Хўлиштўн йўллари"
15.10 "Prime time"
16.00 "Дўда қўларим"
16.00 "Prime time"
18.10 "Премьера"
18.40 Сериал "ХИДИШТИОН ЙўЛЛАРИ"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал "Без сўла"
21.30 "САСТДИШТИОН" Х/ф
22.00 Фильмлар, қўларб ўртасидати ушўиш: "Тренер Картер" № 69 по версии "TVM"
04.00-05.00 "TVM" наволари

04.00, 08.05 Телеканал "Добро утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 "Жит жўрўқ"
10.05 Миллий пригўвор
11.15 Кўлпўрмал аўқўка
11.40 "Время обедать"
12.15 "Дашево и селадан"
13.00 Дўрўе новости
13.25, 17.40 Поняг. Простит
14.35 Т/с "Ушши рабўтих фўнарей"
16.10 Т/с "Нервний брак"
17.00 Велерие новости
18.10 "Давай поженемся!"
19.00 "Путь говорит"
20.00 "Время"
20.30, 02.05 Т/с "Равал"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.55 Ночные новости
23.10 Т/с "Без свителел"
23.40 Х/ф "Дворникское гнездо"

04.00 Утро России
08.00 "1000 мезони". Ток-шўу
08.45 "О самом главном". Ток-шўу
09.30 Т/с "Кулиги и партнёр"
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва
10.50 Т/с "Тайна следствия"
11.50 "Все будет хорошо"
12.50, 15.45, 03.45 Вести. Дўжурная часть
13.50 Т/с "Европосия. Таёжана любви".

14.45 Т/с "Крўвиншўла"
16.50 Т/с "Сердце матери"
19.30 Сўкойной лўчи, малашў!
19.40 "Прямой эфир"
20.25 Т/с "Одесса-зима"
23.20 "Горький"
00.15 "Девята"

04.55 "НТВ ушўр".
07.35 "Возвращение Мухомара".
08.30 14.30 17.00 17.30 "Чрезвычайное происшествие".
09.00 12.00 15.00 18.00 Сегодня.
09.40 "Живые же люди". 0+.
09.55 "До суда".
11.00 Сўл пригўнаж.
12.25 "Ушши рабўтих фўнарей".
15.25 "Прокурорская проверка".
16.40 "Гўварим и покўлимиз!". Ток-шўу с Леонидом Завоканским.
18.30 "Инспектор Купер".
20.25 "Пятизначная. Глава вторая".
22.25 "Сегодня. Итоги".
22.35 Т/с "Прощаемся вместе?". 18+.
00.30 "Августина".

06.00 08.40 "Без вшўленю".
06.55 "История кино".
07.25 "В мире животных".
08.00 "Вести-Спорт".
08.10 "Мой рыбака".
09.40 12.40 "Вести.ру".
10.00 "Фигурное катание. Гран-при 12.05 "Найка 2.0. Опыт дуетата". Лэки - золото.
13.00 "Местное время. Вести-Спорт".
13.20 "Футбол!".
14.10 "30 старания".
15.15 "Ушши рабўтих фўнарей".
18.20 "90'обзор".
18.55 Фўтбол. Первенство России. Фўтболная Национальная Лига. "Уфа" - "СКА-Энергия" (Хабаровск). Прямая трансляция.
20.55 "Баскетбол".
22.45 "Неловки спорта".
23.40 "Чингисхан".
00.40 "Вопрос времени". Шўқолб.

06.00 "Моя прекрасная няня".
07.00 М/с.
08.00 "Воронины".
08.30 "13.00 13.30 "Житний смех".
09.00 09.30 14.00 23.20 00.00 01.20 "6 кадров".
11.30 "Дашево мўлўқод".
12.00 "КВН на био".
15.00 "Необычайные приключения Аделя". Х/ф.
17.00 "Гўлўево".
18.00 "Дашево мўлўқод".
18.30 "Три богатыря и Шамаханская царица".
20.00 "Закрўтая школа. Равьяжа". Миллийсерий триллер.
21.00 "Кўнгли".
21.30 "Ритмуй".
00.30 "Кино в деталли" с Фёдором Болдырўковим.

06.00 М/ф.
08.05 Т/с "Гўваримиз с пригўрдами".
09.00 18.00 21.30 "Х-Верси. Дўрўе новости".
10.00 17.00 Д/ф "Параллельный мир".
11.00 "Дўқоки тў эшдево".
12.00 "Вспомнить все".
13.00 Х/ф "Селл".
15.15 Х/ф "Расплата".
18.30 Д/ф "Одиноким за пригўвелемим".
19.00 Д/ф "Сўтыне. Застўпница Варўла".
20.00 Д/ф "Этўқары. Ошеленица".
21.00 Т/с "Миллийсерий история".
22.00 Д/ф "Нечест. Русская нечест".
23.00 Х/ф "Мэрикс".

Хабар

7

О'ЗBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Одам ва одам" дастури: "Об-худо мўъжизалари".
7.15 "Йилги".
7.20 "Кўнгли қўнгиқ истайди".
7.30 "Уй юмушлари". Т/с.
8.00 "Ахборот".
8.40 - 9.45 "Милыаниан" дастури.
9.45 "Навоийни англаш".
10.00 "Менин ошам".
10.20 "ТВ - шифкор".
10.25 ТелеТеатр: "Нажот истаб".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Доктор Хавс". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгиқ қўнгиқ истайди".
13.00 "Ахборот". Динлиқ.
13.10 "Нон исги". Т/с.
13.50 "Хива: Ҳафсат олани".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Дунё мансаралари".
14.35 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.10 "Йилги".
15.15 "Одам ва одам" дастури:
"Табит ҳахсиллари".
16.10 "Иисон ва қонун".
16.30 "Тезкор забарлар".
16.40 "Ўзбекистон табияти".
17.00 "Ахборот".
17.25 "Менин боғим".
17.30 "Эрталаб - яшайликка етаклар".
18.00 "Кўнгиқ қўнгиқ истайди".
18.10 "Тарих кўзгуси".
18.30 "Кул мануси".
18.40 "Доктор Хавс". Т/с.
19.25 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". рус/.
20.05 "Оттин мерос".
20.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Корини".
22.00 "Муҳаббат таъми". Т/с.
22.40 "Йилги".
22.45 "Комиссар Реке". Т/с.
23.30 "Одам ва одам" дастури: "Об-худо мўъжизалари".
23.45 23.55 "Очун".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Тарих кўзгуси".
00.15 ТелеТеатр: "Нажот истаб".
00.50 "Кўнгиқ қўнгиқ истайди".
1.00 "Ахборот". рус/.
1.30 - 2.35 "Милыаниан" дастури.
2.35 "Менин боғим".
2.55 "Оттин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.15 "Навоийни англаш".
5.30 "Ўзбекистон табияти".
5.50-5.55 "Очун".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тарангум".
7.00 "Ўз-йўлкаш".
7.30 "Музыкантарнома".
8.00 "Ешлқк навоилри".
8.20 Миллий сериал: "Чорраҳадиги уй".
8.40 "Мўъжизасий дунё".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Коломбо". Т/с.
10.10 "Нўхсан назар".
11.30 "Миринион жистолари".
11.50 "Баркамол аждоғи".
12.10 "Доворак". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Бўядолат уй". Б/ф.
14.50 "Ешлқк навоилри".
15.10 "Спортинион юдузлари".
15.20 Миллий сериал: "Жиблажон".
16.00 "Давр".
16.10 "Афсона ва ҳақиқат".
17.00 "Салоҳат". Б/ф. 2-қисм.
18.10 "Давр мануси".
18.30 "Ешлқк навоилри".
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Нозик даҳларлар". Т/с.
20.20 "Катта уйин".
21.00 "Эртакчи болжонлар".

21.10 "Доворак". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Коломбо". Т/с.
23.20 "Афсона ва ҳақиқат".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ешлқк навоилри".
00.30 "Давр".
00.40 "Доктор Қуниг". Т/с.
2.30 "Иисон психологиси".
3.00 Миллий сериал: "Чорраҳадиги уй".
3.30 "Илмий изанишлар".
4.00 "Салоҳат". Б/ф. 2-қисм.
5.10-6.00 "Шарк гаҳлар".


ЎZBEKISTON

6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 "Мисли гавар".
6.20 "Жумон". Т/с. 158-қисм.
7.00 "Пойтахт".
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
8.50 "Этигаклар". Т/с. 1-қисм.
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 Миллий сериал: "Дил пайванди". 19-қисм.
10.05 "Бизнес-пойтахт".
10.10 "Истеъод".
10.30 "Пойтахт". рус тилида/.
10.40 "Доча Маҳарради". Т/с. 4-часть.
11.05 "Интервью".
11.15 "Сувур қуниг". Б/ф.
12.50 "Эко-пойтахт".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё". теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Этигаклар". Т/с. 2-қисм.
15.45 "Дилдаш паллар".
16.15 "Обод шаҳирчи".
16.25 "Ўйларим".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мулҳазират. Денитз иллар. 13-қисм. /Яқунловчи/.
17.10 "Химоя".
17.25 "Кечинмалар".
17.40 "Камертон". Музикаий дастр.
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Интеллектуал аукцион".
18.35 Миллий сериал: "Дил пайванди". 20-қисм.
19.00 "Фан ва тарраҳиди".
19.20 Тошкент тароналари.
19.35 "Теле-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Хайри тўп, болжон".
20.35 "Тошкент оқшомлари".
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 "Интервью".
21.25 "Теле-маркет".
21.50 "Жумон". Т/с. 159-қисм.
22.30 "Пойтахт". рус тилида/.
22.50 "Репортаж". рус тилида/.
23.05 "Кино SMS". рус тилида/.
23.10 "Приключения мышкина Персея". Х/ф.
00.40 Кўрсатувлар тартиби.
00.45 "Старик и море" Х/ф.
2.20 "Жизн с хмолдой кровью" Д/ф.
3.10 "Қонун доираси".
3.25 "Сувур қуниг". Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент".

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.10 "Саломат бўлини".
6.35 "Ватан шайли".
7.00 "Айртон Сениа". Хужагали фильми.
7.25 Боллар майдончаси: Тонгги гимнастика.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Саломат бўлини".
8.30 Интерфутбол.
10.15 Автомобилер.
11.05 Евроголлар.
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Клон" т/с (143-кўсим)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "25 кадр" кўрсатуви
21:30 "Делити жанги" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Шанхайский полдень" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Чоршанба

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (11-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Девонаи фаршад" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 "Супер келинчак" телешоу
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:10 "Учкун" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (143-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (12-кўсим)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Клон" т/с (144-кўсим)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Тошойна" кўрсатуви
21:30 "Қасос" б/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Сокровище Амазонки" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Пайшанба

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (12-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Қалбаки дунё" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Форум вақти
12:30 "Чой устида" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар"

13:10 "Фирибгар" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (144-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (13-кўсим)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Клон" т/с (145-кўсим)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Ёниради қудирани" кўрсатуви
21:30 "Хамма нарсани ўзгартириб юрган инсон" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Возмещение ущерба" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Жума

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (13-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Жодугар" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 кадр" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Ишлага ишқ 2" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (145-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (14-кўсим)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Клон" т/с (146-кўсим)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Қопқон" кўрсатуви
21:30 "Оловли девор" б/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Лия влюбилась в женатого мужчину" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Тошойна" кўрсатуви
07:00 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт"
иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Муслик вақти" дастури
08:30 Болалар соғли
09:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
10:00 "Фирибгар" б/ф
11:30 "25 кадр" кўрсатуви
12:00 "Дийдор ширини" муслик-лам олиш дастури
13:30 "Чегараси -2" б/ф
15:40 "Муслик вақти" дастури
16:00 "Қопқон" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Қасос" б/ф (1 кўсим)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Дилшад лаҳзалар" телешоу
21:00 "Тап" кўнгилочар кўрсатуви
22:00 "Биз узрашганимизда" б/ф (Ҳиндистон)
01:15 "Муслик вақти" дастури
01:30 Тунги кинозал:
"Океан небес" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Чой устида" кўрсатуви
07:00 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Информацион блок"
08:00 "Бунди хёт дейдилар"
08:30 "Ёниради қудирани" кўрсатуви
09:00 Болалар вақти
09:30 "Кейзиплик қурайлик" кўрсатуви
10:00 "Гарри Поттер-16" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Файли дастурдон" дастури
12:10 "Тап" кўнгилочар кўрсатуви
13:00 "Супер келинчак" телешоуи
13:40 "Дилшад лаҳзалар" телешоуи
15:00 "Трансформерлар-2" б/ф
16:30 "Парламент соғли" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Word on the street" кўрсатуви
18:30 "Қасос" б/ф (2 кўсим)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Янши олма" кўрсатуви
19:50 "Супер келинчак" телешоу
20:30 "Дийдор ширини" муслик-лам олиш дастури
21:35 "Comedy.UZ" теле-шоу
22:00 "Али, Вали, Ғани ёхуд Насибани қизи?" б/ф
00:15 "Муслик вақти" дастури
00:30 Тунги кинозал:
"Мистер и миссис Смит" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Маданий мероснинг тарбиявий қудрати, хусусан, унинг ворислиги, аждодлар тўплаган тарихий тажрибани авлодларга етказиш, она тилининг миллий жозибаси билан боғлиқ. Ўз навбатида, она тили жозибасининг ортиб бориши ёшларда миллий гурурни шакллантириш жараёнини тезлаштиради. Худди шунинг учун ҳам совет ҳокимияти йилларида ҳар томонлама оёқости қилинган ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш мамлакатимизда бунёд этилаётган инсонпарвар, демократик жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш учун ҳақиқий имконият вужудга келди. Тилнинг луғат таркибини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Унинг ўзига хос хусусиятлари, яъни миллий жозибаси мамлакат матбуоти саҳифаларида чоп этилаётган материалларда, радио ва телекўрсатувларда, давра суҳбатларида, баҳс-мунозаларда, шоирларимиз шеърларида, ёзувчиларимиз, олимларимиз асарларида, санъаткорларимиз ашула, мусикаларида яққолроқ намоён бўла бошлади. Ўзбек тили миллий парламентимиз минбарларида, илмий-оммавий анжуманларда баралла янграмоқда. У жамоат жойларида ҳам ўз ўрнини кенгайтирди. Мамлакат таълим тизимида, хусусан, ўрта махсус ва олий ўқув юрғларида ўзбек тилини ўрганишга эътибор тубдан ўзгарди. Бир қатор олий ўқув юрғларида биринчи марта "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедралари очилди. Ерли аҳолига мансуб бўлмаган фуқароларга ўзбек тилини ўрганиш учун зарар шарт-шароитлар яратилди. Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантириш кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.
Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, I боб, 4-модда

ТИЛ ЖОЗИБАСИ

21 октябрда Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 23 йил тўлади

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми-нинг берилиши мамлакатимизнинг мустақиллика эришиш йўлидаги дастлабки қадамидир. Тил тўла мустақил бўлиши ва у ўзининг миллий жозибасини тўла намоён қилиши учун идораларнинг раҳбарлари тил тўғрисидаги қонун таълабларининг бажарилишини таъминлашлари зарур. Мамлакатда ўзбек тилининг миллий жозибасини намоён қиладиган тил психологияси вужудга келмоғи керак. Тил психологиясининг асосий мақсади ҳар бир фуқарода ўз юртининг ўз она тилисида гапириши билан завқланиш, фахрланиш туйғусини шакллантиришга қаратилмоғи даркор. Акс ҳолда ўзбек тилининг миллий жозибаси намоён бўлмайди.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг энг муҳим йўли — унинг софлиги, мусаффолигини таъминлашдир. Фуқароларда давлат тилида соф гапириш, равоп ёзиш маданиятини шакллантириш лозим. Чунки, ҳеч кимга сир эмаски, мустабид тузум шароитида ягона тилини вужудга келтиришимиз деган байроқ остида миллий тилларнинг софлигига путур етди. Миллий тилларнинг софлиги ҳақидаги муаммо бутунлай

салбий маънода талқин қилинди. Бизнинг фикримизча, тилнинг софлиги ҳақида гапирганда унинг икки қутби, икки томони бор эканлигини унутмаслик даркор. Тилнинг софлигини таъминлашни ижобий томонида озғаски ва ёзма нутқда кўпроқ миллий тилнинг сўз ва атамаларидан оқилона, унумли фойдалана билиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилаётганда бошқа тиллардаги ибораларни қўлдамаслик, миллий тилнинг илмий, адабий, тарихий анъаналарига риоя қилиш мақоми берилганлигига 23 йил тўлади.

Ҳар бир миллат ўз она тилининг соф бўлишини исташи — тарихий ҳақиқатдир. Лекин фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган, унинг ютуқлари фуқаролар турмуш тарзига жадаллик билан кириб бораётган ҳозирги шароитда жаҳонда ҳеч бир тил ўзининг миллий хусусиятлари, сўз, ибора ва атамалари билан чегараланиб қолмайди. Жаҳон цивилизацияси, хусусан, фан ва техника тараққиёти туфайли муомалага кириб келган янги сўзлар, иборалар билан бойиб боради. Чунон-

чи, бутун жаҳондаги барча кишилар нутқ маданиятида ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти туфайли кириб келган, байналмилал аҳамиятга эга бўлган: компютер, электрон парапсихология, молекуляр физика, органик кимё, пластика, фонология каби қатор атамаларнинг она тилимига кириб келиши фикримизнинг исботидир. Бу сўзларнинг ўрнини босадиган, уни алмаштирадиган сўзлар ёки иборалар ўзбек тилида йўқлиги ҳаммага аён. Худди шунинг учун ҳам ўзбек тилининг софлигини таъминлаш, софлигини тиклаш деганда, миллий тилдаги қадимий сўзлар, ибораларни тиклаш, уларни муомалага кўпроқ қўллаш зарур, деган фикр келиб чиқмаслиги зарур. Эски атамалардан ўз ўрнида оқилона фойдаланиш даркор деб тушунмоқ лозим. Ҳар бир сўз, ҳар бир иборани ишлатганда унинг муомалага киритилган тарихий даврни, тарихий шарт-шароитни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш — маданий мероснинг тарбиявий қудратини оширишнинг муҳим воситаларидан биридир. Маданий мерос тарбиявий қудратининг ошиши орқали аждодларимиз маданияти авлодлар билан боғланади. Ана шу ворисликнинг қучайиб бориши ёшларда маданий мерос билан фахрланиш туйғусини шакллантиради. Пировардида йигит ва қизларда миллий гурурнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
ТАТУ Қарши филиали "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ОШИРАЙЛИК

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг миллий маънавиятини шакллантириш ҳақида

Бугунги глобаллашув шароитида ижобий янгилеклар билан бирга салбий муаммолар ҳам, чунончи, келажагимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама йўлдан оздиришга, уларни ўз гоёсига ишонтириб, мавжуд демократик тузумни ағдаришга йўналтирилган кучлар мавжуд. Мафкуравий иммунитетнинг камлиги, енгил-елпи нарсаларга ружу қўйиши ва қаровсиз қолиши натижасида ёшларимиз мана шундай хуружлар қурбонига айланмоқда. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун, аввало, ҳар бир ёшда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз даркор.

Президентимиз таъбири билан айтганда, мафкуравий иммунитетни шакллантириш энг муҳим долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш учун, энг аввало, таълим ва миллий тарбияни ривожлантириш, урф-одат, анъана ва қадриятларга уйғун ҳолда ёшлар дунёқарошини ошириш лозим. Чунки бугун жаҳонда инсон қалби ва онгини эгаллаш, миллат маънавиятини ёт гоёлар билан алмаштириш, охири-оқибатда миллионлаб одамлар устидан маънавий ҳукмронлик ўрнатилганда, ёшларга таълим ва тарбия беришда анъанавий маданият муассасалари,

театрлар, музейлар, кутубхоналар ва бошқаларнинг иштироки муҳим эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг аҳоли кенг қатламларига хизмат кўрсатиши учун давлат томонидан таъминланиш тартибини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш лозим. Миллий маънавий иммунитетни шакллантиришнинг яна бир омил миллатнинг манфаати ва мақсадларини ўзида ифода этадиган миллий тараққиёт гоёсини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишдир. Иқтисодий муаммоларни бутун бўлмас эртага ҳал этиш мумкин. Лекин маънавий иммунитетимиздан, ўзлимиздан маҳрум бўлиб қолсак уни тиклаш осон кечмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз "Мафкура поли-

гонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга" деб ҳаммамизни гоёяни ва маънавий хатарлардан огоҳ этган. Бу борада Юртбошимиз И.Кари-мовнинг "Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз", дея таъкидлаши бежизга эмас.

Шу боисдан ҳам ёш авлодни миллий маънавиятини шакллантиришда олий таълим муассасаларида, айниқса, нафақат мураббийлик соатида ва гуманитар фанларни, балки умумқасбий ва махсус фанларни ўқитишда ҳам, ҳар бир мавзуну ўтишдан олдин 5-7 дақиқа миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тўғрисида аждодларимиз ўғитларидан намуналар келтирилса, тушунтиришлар, йўл-йўриқлар бериб борилса, булар барчаси мазкур мавзуну аҳолига бўлса нур устига аъло нур бўлган бўлар эди. Бундай ташкилий-педагогик-психологик жараён бизнинг ТАТУ Урганч филиалида етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилмоқда.

Нилуфар ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
ТАТУ Урганч филиали 3-босқич талабаси

"ТАЛАБА-2012" халқаро таълим кўргазмаси

Пойтахтимизда "Талаба-2012" халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг "Нео-Консалтинг" таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг олий таълим муассасалари, тегишли идоралари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислох қилиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол, мустакил фикрловчи шахсни тарбиялаш, етуқ мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашуви ни таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделининг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганининг яна бир тасдиғидир. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда турли йўналишлар, жумладан, чет тилларни чуқур ўрганиш бўйича факултет ва кафедралар ташкил этиш амалиёти тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимиз ёшлари хориждаги ну-

фузли таълим даргоҳларида ҳам билимини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўрганиш, замон талаблари даражасида таълим олиш имкониятига эга.

"Талаба-2012" халқаро таълим кўргазмаси бу борадаги имкониятларни янада кенгрок ишга солиш мақсадида ташкил этилди. Кўргазма иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар билан танишдилар.

Кўргазмада Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги "Темпус" дастури, "Эразмус Мундус" ва "Мери Кюри" каби грант ва алмашинув таълим дастурлари, Британия Кенгаши ва Германия академик алмашинув хизматларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, АКШ, Буюк Британия, Швейцария, Кипр ва Малайзия каби давлатлардан халқаро университетлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётир, — деди Европа Иттифоқи элчиси, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Норбер Жустен. — Ўзбекистонда таълим инфратузилмасини такомиллаштириш ва ўқитувчилар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўзбекистонлик талабалар билан бевосита мулоқот жараёнида мамлакатингиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқори эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганмиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан таълим соҳасида узок йиллардан

буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, кўплаб лойиҳаларни амалга оширдик. Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани жуда қувонарлидир, — деди Германия академик алмашинув хизматининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Герт Рюдигер Вегмарсхаус. — Бу борада мамлакатларимиз университетлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам фаол ва самарали ҳамкорлик қилишимиз. Ўзбекистонда таълим соҳаси ҳавас қилса арзиғulik даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизнинг қатор университетларида бўлдим. Таълим олиш учун яратилган шароит ва имкониятлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Шунингдек, таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг изланувчан ва қизиқувчанлиги, билимга чанқоқ экани мени хайратлантирди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон ёшларини Германия таълим тизимида яратилган имкониятлар, университетлар фаолияти ва уларда тахсил олиш имтиёзлари билан таништириямиз.

"Талаба-2012" халқаро таълим кўргазмаси хорижда тахсил олиш ниятида бўлган талаба ёшларнинг чет эллардаги олий таълим муассасалари фаолияти билан танишиши учун яхши имконият бўлди.

uza.uz




Ўқув машғулот

Термиз шаҳридаги "Сурхон" меҳмонхонасининг видеоконференц залда "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали ходимларининг навбатдаги ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Улар уч кун давомида кенг поласали интернет хизмати ҳақида етарли маълумот олишди. Амалдаги ахборот асри мақсадида мос машғулотда "Бизнесни Ривожлантириш Маркази"нинг етакчи мутахассиси Музаффаржон Мирзохидовнинг мультимедиа маҳсулотлари асосида маърузалари тингланди.

Тадбир кенг поласали интернет хизматини жорий этиш борасида кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор беришни англашда катта аҳамият касб этди. Шу маънода филиалнинг бош иқтисодчиси Ботир Жумаев, Биллинг хизмати бўлими бошлиғи Хайрулла Шоймардонов, Денов ва Бойсун телекоммуникациялар боғламалари мутахассислари Илҳом Жўраев, Ғайрат Гаффаровлар машғулот мавзун доирасидаги кимматли фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишди.

Н.ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири



Почта алоқаси объектиларида янги хизматлар жорий этилди

Почта алоқаси хизматлари сифатини ошириш, мижозлар учун қулайлик яратиш ҳамда янги хизматларни жорий этиш мақсадида, почта алоқаси объектиларида компютер техникаси, мобил телефонлар ва бошқа техникаларни тузатиш бўйича 14та шохобча ташкил этилди.

Шунингдек, 49та почта алоқаси объектида PAYNET тизими орқали аҳолидан мобил алоқа операторларининг хизмати учун тўловларни қабул қилиш хизмати жорий этилди.

pochta.uz

XABAR LUG'AT

403-хатолик (403 ERROR) — интернетда ишлаётганда баъзан, саҳифани сўраганда, унинг ўрнига хатолик тўғрисида хабарни оласиз. 403-хатолик сўралаётган саҳифадан эркин фойдаланиш тақиқланганини билдиради. Бу ҳолат, саҳифанинг эгаси, баъзи мулоҳазаларга кўра, фойдаланувчилардан ахборотнинг бир қисmini яширишга қарор қилганда ҳам юз беради.

Устозлар шарафланди

Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Қувасой шаҳар ўқув спорт-техника клубида ёшларнинг замонавий илм олишлари, касб-хунар ўрганишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Жамоада 14 нафар малакали мутахассис фаолият юритиб келмоқда.

Шу кунларда иккита гуруҳда ёшларга касб-хунар сирлари ўргатиляпти. Спорт-техника клуби ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик ва бошқа зарarli одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни оммавий спорт ишларига жалб этиш ва мусобақалар ташкиллаштиришга катта эътибор қаратилган.

Яқинда клубда "Устоз отангдан улуф" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда фахрий устозлар сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан ёшларга яратиб берилган шароитлар, фаровон турмуш, истиклолга садоқатли бўлишга ёшларни даъват этдилар. Клуб ёшлари ўзлари тайёрлаган сахна кўринишлари, кўшиқ ва рақсларини тадбир иштирокчиларига намойиш этишди.

Тадбир сўнггида фахрий отахонларга эсдалик совғалари топширилди.

Бу ёшлар қалбида касб-хунарга бўлган ҳавас ва қизиқишни уйғотишда муҳим омил бўлади. Уларнинг келгусида жисмонан етуқ, салоҳиятли, қалбида Ватанни химоя қилишдек эзгу туйғулар жўш ураётган ёшлар бўлиб етишишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ

Қарши почта алоқаси тармоғига қарашли 10-алоқа бўлими шаҳардаги Қўрғонча, Насаф, Зоғза, Чармгар, Ҳарамжўй ва Наврўз маҳаллалари аҳлига ҳамда шу ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларга почта алоқаси хизмати кўрсатиб келади. Алоқа бўлими бошлиғи Зебо ҲАСАНОВА ишда чаққон, бой тажрибага эга эканлиги билан ажралиб туради. Ўттиз йилдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилган бу ходимнинг ютуқлари ҳам кўп ва хўб.

Зебо Хасанова меҳнат фаолиятини 1983 йилда вилоятдаги механизациялашган кўчма алоқа жамланмасида диспетчерликдан бошлаган. Кўп ўтмай вилоят алоқа ишлаб чиқариш корхонасига ишга ўтди. Қарши алоқа бўлимида оператор, Қарши почтамтининг ишлаб чиқариш техника бўлимида муҳандис, ҳисобчи, Қарши почта филиали директорининг ўринбосари, узок йиллар Қарши почта ишлаб чиқариш цехи бошлиғи вазифасида ишлади. Яхши устозларга шогирд бўлди, ўнлаб ёшларга устозлик қилди. 2006 йилдан буён шаҳардаги 10-алоқа бўлими бошлиғи вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуниги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, III боб, 15-модда.



Масъулият

Кейинги йилларда алоқа бўлимида ноанъанавий хизматлар жорий этилиб, кишиларнинг почта алоқаси хизматларига талаби ҳам ошиб бормоқда. Буларни тезкор электрон пул ўтказмалари, хат-хабарлар, жўнатмалар газета ва журналларнинг чакана савдоси, муншаотлик моллари, пенсия ва бир марталик тўловлар мисолида кўриш мумкин. Худудда истиқомат қилаётган 1800дан ортиқ пенсионерга ойига 410 млн. сўмдан ортиқ пенсия ва бошқа бир марталик тўловлар амалга оширилади. Биргина 2012 йилнинг сентябр ойида алоқа бўлимидан 391 млн. 696 минг 600 сўм пенсия, 5 млн. 326 минг 700 сўм бир марталик тўловлар, 22 млн. 723000 сўм ижтимоий пенсия, 1 млн. 868 минг 700 сўм компенсация пуллари тўлаб берилди. Икки миллион сўмга яқин электрон пул жўнатмалари эгаларига етказилди. 11 млн. 647 минг 300 сўм коммунал тўловлари

йиғилди. Бу каби хизматларнинг кўрсатилишида бўлим хабарчилари Ғофир Қаюмов, Дилрабо Низомова, Ирода Тўйчиеваларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги замонавий хизматларни амалга ошириш бўйича алоқа бўлимида муайян ишлар қилинмоқда. Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш мақсадида шаҳардаги почта алоқаси тармоғи тизимидаги алоқа бўлимларида почта жўнатмаларининг хар хил турларини жўнатишда тарифларнинг аниқ қўлланишини таъминлаш учун электрон ўлчов воситаларидан фойдаланилмоқда.

Хабарчиларнинг фаолиятини жадаллаштириш учун велосипедлар олинди, аҳолига қулайлик яратишда терминал аппаратлари орқали пластик картчаклар тизими йўлга қўйилган.



Қарши ПАТда тўлиқ реконструкция ишлари амалга оширилди. Замонавий шаклда қурилиб, ишга туширилган алоқа бўлимлари эса шаҳарга кўрк бағишлагина қолмай, сифатли алоқа хизматларини кўрсатишда ўрнатилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қатқадарё
вилоятидаги мухбири

Кўшни! У яшаш жойи ҳижратидан сизга энг яқин киши. Сиз ўз кўшнингиз билан бошқа одамларга нисбатан энг кўп муомалада бўласиз, кўп суҳбатлашасиз, эрталаб ҳам, кечкурун ҳам уни кўрасиз, демак, ҳар доим у билан мулоқотдасиз. Шунинг учун ҳам кўшни қариндошларингиздан ҳам сиз учун энг яқин кишилардан ҳисобланади. Сиз кўшнингизни ўз ака-укангиздек яхши кўришингиз, иззат ва ҳурматини адо қилишингиз, учрашиб қолганда очик юзли бўлишингиз, мулоим сўзларни айтишингиз, ўз меҳру муҳаббатингизни ошкор қилишингиз лозим.

Агар кўшнингиз бемор бўлса, сизда бирор дақиқа бўш вақт бўлми, дарҳол ундан ҳол-аҳвол сўрашга киришинг, ғамли ва шодли айёмларида у билан ҳамдам бўлинг, ҳар қандай хизмати бўлса, имкони борича адо қилишга жонжаҳдингиз билан киришинг. Кўшнингиз шодлиги — сизнинг шодлигингиз, сизнинг шодлигингиз уники бўлиши лозим.

Сиз ўз оилангиз ёки қариндош-уруғларингиздан бирор нарса орттирилсангиз, у сизга керак бўлмаса, дарҳол кўшнингизга беринг. Аммо, бу қилган яхшилигингизни ҳеч қачон миннат қилманг, бошқа одамларга гапириб юрманг ёки эвазига ундан бирор нарса умид қилманг.

Шуни билиб қўйингки, кўшничлик нозик иш. Шунинг учун сиз эҳтиёткорликни қўлдан бой берманг! Кўшни ўзининг ҳалол меҳнати туфайли бирор мансабга ёки бойликка эга бўлса, унга ҳасад кўзи билан боқибдан тийининг. Ҳар хил беаъни гумонлар ботқоғига ботиб, ўзингизни ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаманг. Кўшни сиз учун энг яқин бўлиб, ака ёки ука ўрнидагидек, улар билан муомала қилганингизда иложи борича кўнглиларини оғритиб қўймаслик йўлларини қидиринг. Яхши кўшни учун жонингизни фидо қилсангиз ҳам оз.

Агар сиз ушбу маслаҳатларга амал қилсангиз, кўшнингизнинг муҳаббати сизга ниҳоятда ошади. Муомаласи

Кўшни

— Дўстим, сенга бир мушук боқиш зарур экан, у сичқонларни бутунлай қириб ташлайди.

Дўсти бошини чайқабди-да:
— Айтганинг тўғри, аммо бундай қилолмайман. Негаки, сичқонлар кўрқиб, кўшнимизникига қочиб киришади. Мен ўзимга раво кўрмаган ишни кўшнимга раво кўрган бўлиб қоламан!

қундан-қунга яхшиланади, яқинлиги янада зиёда бўлади. Ҳар бир ишда сизнинг ҳамкорингизга айланади. Сизнинг эса, ширин тилингиз ва чиройли муомалангиз туфайли, ҳаётингиз тинч ҳамда фаровонликда кечади. Пойтахтимиздаги кўп қаватли

уйлардан бирида юқори қаватдаги кўшнимиз билан 20 йил борди-келди қилдик. Жуда иноқ, аҳил эдик. Кўшнимиз уйини кенгайтириб бошқа жойга кўчиб кетди. Ҳалигача борди-келдимиз бор. У эса кўчиб борган жойида яхши кўшнингизга учрамабди. Улар билан хаттоки судлашишгача борибди. Шунинг учун айтишса керакда, ҳовли олма кўшни ол, деб. Кишининг қимлигини билмоқчи бўлсанг, кўшнилари ва маҳалласидан сўра деб, бежиз айтишмайди.

Мамлакатимиз Президентининг олиб бораётган одилона ва оқилона сиёсати туфайли юртимизда сармоядорлар кўпайди, жойларда кўша-кўша қаватли дангиллама уйлар қурилмоқда. Бу, албатта, мамлакатимиздаги тинч, осуда ва фаровон ҳаётдан бир нишона. Бироқ, кишини ўйлантирадиган масала — ўша уйларда яшаётган инсонларнинг кўшничлик маданияти ҳар доим ҳам тўла-тўқис адо этиляптими? Айрим инсонларнинг босар-тусарини билмай ҳеч қимни, хаттоки кўшнилари менсимай қолаётганлиги баъзан кўнглини хира қилади. Яқинда кадрон бўлиб қолган танишимни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, яшаётган жойини сўрадим. Чунки кўп йиллардан буён кўшнисин билан муносабати носозлигини эшитгандим. У эса чуқур ух тортиб,

TURMUSH CHORRAHALARIDA

сиз сўраманг мен айтмай, ёмон кўшнидан қочиб қутулиб бўлмас экан, кўчиб қутуларкансан. Бўлмаса, пулдор, тузуккина мансабда ишлайдими, аммо оиласида тарбия, кўшничлик маданияти йўқ. Кўшним билан бу муносабатимизга маҳалла ҳам аралашиб ҳеч нарса қилолмади. У кўшнимдан кўчиб қутулдим. Ҳа, дўстим, афсуски, орамизда ана шундай инсонлар ҳам бор. Ҳозирги кўшним эса жуда ажойиб инсон, у билан жуда иноқмиз. Оилавий борди-келдимиз бор, дея сўзини тутатди танишим.

Ёмон кўшнидан қаттиқ азият чеккан танишим шундай бир ҳикоятни айтиб берди. "Бир одамнинг уйида сичқон кўпайиб кетган экан. Сичқонларнинг зараридан унга кўп зиён етди. Сичқонлар гоҳ қопни тешса, гоҳ нонларни кемириб қетаркан. Бир кун унинг уйига дўсти келиб қолибди. Уй ичида югуришиб юрган сичқонларни кўриб дебди:

— Дўстим, сенга бир мушук боқиш зарур экан, у сичқонларни бутунлай қириб ташлайди.

Дўсти бошини чайқабди-да:
— Айтганинг тўғри, аммо бундай қилолмайман. Негаки, сичқонлар кўрқиб, кўшнимизникига қочиб киришади. Мен ўзимга раво кўрмаган ишни кўшнимга раво кўрган бўлиб қоламан! — деб жавоб берди".

Ҳа азизлар, ана шундай кўшни сизнинг энг яқин кишингиз. У билан борди-келдини ўз ўрнида жойига қўйсангиз ҳеч қачон кам бўлмайсиз. Шунинг учун энг яхши кўшнилари доимо бор бўлишини. У сизнинг энг қувончли ва оғир дамларингизда ҳам яқин жигарларингиздан қўра аълороқ бўлади. Бу эса ҳаётда кўп бор исботланган. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Изаат АХМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"Бахтиёр-Шоҳбоз" ишлаб чиқариш фирмасининг (Жиззах ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001752 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 10 октябрдан тугатилди ва мазкур лицензиянинг амал қилиш мuddати қарор чиққан кундан бошлаб то амал қилиши тугагунча бўлган мuddатта "Бахтиёр-Шоҳбоз" ишлаб чиқариш фирмасига (Жиззах ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди;

"SELENA-LYUKS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003028 рақамли;

"ALFA MED MAX" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармовини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003753 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 10 октябрдан;

"NYUMAKS TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (радиоалоқа) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001765 рақамли;

"NG SERVICE" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0002933 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 15 октябрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23-бандига асосан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 15 декабрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги 47-Л-буйруғининг 2.1-банди билан "ELLIKQAL'A MAXALLIY TELEVIDENIESI" (Қорақалпоғистон Республикаси, Бўстон ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001058 рақамли лицензия мuddатини узайтириш бекор қилинди.

"BV TRADE SERVICE" ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРАДИГАН ТАРТИБДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 августдаги 233-қарорига ҳамда Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 октябрдаги 8/а-буйруғига асосан "Бухоро Озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативининг Низом жамғармасидаги 25 фойз давлат улуши бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига чиқарилмоқда.

"Бухоро Озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативининг Низом жамғармасидаги 25 фойз давлат улуши бошланғич баҳоси 681 505 714 (Олти юз саксон бир миллион беш юз беш минг етти юз ўн тўрт) сўм (129 941 386 сўм "Бухоро Озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативи ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда).

Савдолар 2012 йил 15 ноябр куни соат 11.00да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси 3-қавати)да ўтказилади.

Ўқоридидаги санадаги савдоларда сотилмаган давлат активи бўйича 2012 йил 4 декабр, 2012 йил 21 декабр ва 2013 йил 8 январ куллари соат 11.00да такрорий савдолар ташкил қилинишини олдиндан маълум қилансиз.

Закалат пули миқдори давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фойзидан, яъни 102 225 858 (Бир юз икки миллион икки юз йигирта беш минг саккиз юз эллик саккиз) сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида ғолиб деб топилган шахс 20 (Йигирта) кунлик мuddат ичида сотувчи, яъни Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириши лозим.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда ишти-

рок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мuddатга, яъни 2012 йил 14 ноябр куни, 2012 йил 4 декабр кундаги савдолар бўйича 2012 йил 3 декабр куни ва 2012 йил 21 декабр кундаги савдолар бўйича 2012 йил 20 декабр ҳамда 2013 йил 8 январ кундаги савдолар бўйича 2013 йил 7 январ куни соат 16.00га қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузилдиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда jisмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реkvизитлар: "BV TRADE SERVICE" МЧЖ, х/р: 2020800050482825001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулк билан танишиш ҳамда ўзинингизни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават).

Тел: (8 365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

Фойдали маслаҳатлар



● Агар хамиртурушли хамир сугда эмас, қатикда қорилса, у янада енгил бўлиб кўпчиб чиқади.

● Балиқни тозалашдан аввал 30 дақиқага қайнатилган сувга солиб, сўнг курук сочик билан артиб ташла-сангиз, осон тозалади.

● Тухумнинг фақат оқини ишлатиш зарур бўлса, саричини сувли стаканга солиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолда у музлатгичда узок сақланади.

● Урни ишлатишдан аввал, албатта, элакдан ўтказиш лозим, бунда ун ҳаво билан тўйинади. Натижада тайёрланган таом енгил, юмшоқ бўлиб пишади.

● Творогли пирогни пишираётган вақтда устиди ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун уни совуқ духовкага солиб, сўнг оловни ёқиш керак.

● Агар винегрет ёки бошқа бирор салатта дастурхонга тортишдан бир оз аввал лимон пўстлогини солиб қўйсангиз, у янада мазали ва хушбўй бўлади.

KONI FOYDA

Турп иссиқ таомлар билан салат сифатида қўшиб истеъмол қилинадиган сабзавот ҳисобланади. Уни хомлигича ўсимлик ёғи ва сузма билан истеъмол қилиш фойдали. Турпнинг таркибида 90 фойз сув, шакар, клетчатка, эфир мойлари, дармондорилар, кислоталар, натрий тузи, калий, кальций, магний, фосфор, темир, аминокислоталар, ферментлар ва бошқа турдаги моддалар мавжуд. Унинг таркибидидаги кони шифо айрим моддалар фитонцид ва бактерияцид хусусиятини таъминлаган. Турпнинг суви қадимдан ичак фаолиятини яхшилаш, соч тодаларини мустаҳкамлаш мақсадида қўлланиб келинган. Шунингдек, турп атеросклероз шийларда, пещоб-таносил аъзолари касалликларида ҳам жуда яхши ёрдам беради.

Турп



Халқ табобатида турп билан асал аралашмаси ҳар хил жароҳат ва яраларга малҳам ҳисобланади. Қайнатиб пиширилган турп йўталга даво бўлади. У шамоллашга қарши, сийдик ҳайдовчи, балғам кўчирувчи,

томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида тавсия этилади.

Турп уруғлари микробларга кирон келтирувчи хусусиятга эга. Турп уруғларини ховончада майдалаб, кукук шаклига келтириб, оз миқдордаги сув билан аралаштирилса, тайёр бўлган восита секинлик билан битаятган жароҳат ва яраларнинг тезроқ тугаллишига ёрдам беради.

Ўт пуфағи яллиғланиши ва тош касалликларида турп шарбатини ҳар кун икки марта мунтазам тарзда бир қатта пиёла миқдорда истеъмол қилиб туриш тавсия қилинади.

Турп илдиэмевасини ошқозон-ичак яраси, яллиғланиши, яъни гастрит, энтерит - ингичка ичак яллиғланиши, гепатит ва айрим юрак касалликларига учраган беморлар истеъмол қилишлари мумкин эмас.

PAZANDA

Творогли кекс


Бундай кексни тайёрлаш учун ёғ, шакар, истеъмол содаси бўлган хамир тенг учга бўлинади. Сўнг тайёр хамир махус пишириқ идишига орасига крем қуйилиб, уч қават қилиб жойланади ва пишириб олинади.

Крем тайёрлаш: тухум, шакар ва ун аралаштирилади, кейин эзилган творог ҳамда пичоқ учиди хушбўй зирavor қўшилади. Пишириқ учун: уч пиёла ун, бир пиёла шакар, бир чойқошиқ истеъмол содаси, 200 грамм сариёғ, кремига эса 500 грамм творог, бешта тухум, бир пиёла шакар керак бўлади.

Бу хушхўр ширинлик қандли диабет, тери ва аллергия касалликларига мойил кишиларга тавсия этилмайди.



Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси Россияга қарши ҳал қилувчи ўйинда рақибни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритди.



Футбол бўйича ампутантлар терма жамоаси учинчи бор жаҳон чемпиониغا айланди!

Ўзбекистон ампутантлар терма жамоасига тарихдаги учинчи жаҳон чемпионлигини тақдир этган ягона гол Хайдарали Турсунбоев ҳисобига ёзилди.

Таъкидлаш жоиз, Мавзурхўжа Умархўжаев шогирдлари мусобақа давомида барча ўйинларни ғалаба билан якуллади. Жумладан, мусо-

бақа Туркия терма жамоасига қарши 6:1 ҳисобидаги ғалаба билан бошланган бўлса, гуруҳ босқичининг 2-турида Япония терма жамоаси дарвозасига жавобсиз 7та гол урилди. Кейинчалик эса Либерия (8:2), Англия (4:2) ва Украина (4:0) терма жамоалари ҳам мағлубиятга учратилди. 2010 йилги жа-

ҳон чемпиони финалчиси — Аргентина терма жамоасига қарши кечган ярим финал ўйинида эса ўзбекистонлик футболчилар рақиб дарвозасига жавобсиз 4та гол уришга муваффақ бўлишди.

Жаҳон чемпионлигининг ёпилиш маросимида ташкилотчилар томонидан чемпионликни кўлга киритган

терма жамоамизга 20 минг АҚШ доллари миқдорига мукофот тошпирилди.

Кеча эса пойтахтимиздаги "Наврўз" ресторанида Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мухим 3 очко

Қатар пойтахти Доха шаҳрида Жаҳон чемпиони саралаш босқичидан ўрин олган Қатар ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўйин 0:1 ҳисоби билан жамоамиз фойдасига якулланди.

Вакилларимиз ниҳоятда қийин кечган учрашувда кичик ҳисобда ғалаба қозонишди.

Ўзбекистон асосан қарши ҳужумга таяниб тўп сурди. Ана шундай қарши ҳужумлардан бирида Акмал Шорахмедов ўнг қанотдан тўпни жарима майдончасига узатиб берди. Санжар Турсунов эса тўпни тўхтайтиб ўтирмадан дарвоза сари йўллади. Биринчи бўлимнинг қолган дақиқаларида ҳар икки жамоа аъзоларида ҳам деярли хавфли вазиятлар юзага келгани йўқ.

Иккинчи бўлимда Қатар терма жамоаси кучли босим уюштира бошлади. Бунинг натижасида терма жамоамиз дарвозаси олдида хавфли вазиятлар юзага кела бошлади. Аммо терма жамоамиз аъзолари тартибли ўйин кўрсатиб, бу хавфларни бартараф эттишти.

Шу тарихда Ўзбекистон терма жамоаси ўзи учун муҳим бўлган ўйинда илк уч очкони кўлга киритишга муваффақ бўлди.

Жаҳон чемпиони саралаш ўйини

Қатар — Ўзбекистон — 0:1

Гол: С.Турсунов, 13.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувда Эрон ўз майдонида Жанубий Кореяни 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

Мишел Платини Ўзбекистонга ташриф буюрди

Тошкентга УЕФА президенти Мишел Платини бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Делегация УЕФА Ижрокўми аъзоси Мариос Лефкаритис, УЕФА президентининг маслаҳатчиси Паскал Торрес, УЕФА президенти ёрдамчиси Моника Мхитарян ва Озарбайжон футбол федерациялари уюшмасининг бош котиби Элхан Мамедовдан иборат бўлди.

УЕФА президенти дастлаб Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб, "Пахтакор" клубининг 2002 йилда туғилган футболчилари билан учрашди. Кейин УЕФА президенти Мираброр Усмонов билан учрашди.

Платини бу ерда кўрганларидан Ўзбекистон — футбол мамлақати деган хулосага келганини айтди. "Ўзбекистон терма жамоасининг айни пайтда жаҳон чемпиони йўланмаси учун кураш олиб бораётганини инobatга оладиган бўлсак, бу мамлакат ўз минтақасида футболни энг ривожланган мамлакатдир", — қайд этди УЕФА президенти.

Учрашувдан сўнг УЕФА президенти бошчилигидаги делегация аввалига "Пахтакор" стадионига, кейин эса янги куриб битказилган "Бунёдкор" футбол мажмуасига ташриф буюрди.

ЭЪЛОН!

Анджон вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Абдуманноб Абсаттарович Мамасобилов номига берилган 054-Т-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Самарқанд юлдузлари-2012" халқаро турнири бошланди

Кеча Самарқанд вилоятидаги Республика эшак эшиш каналида "Самарқанд юлдузлари-2012" халқаро турнири бошланди.

Халқаро турнир замонавий метёрлар асосида қайта таъмирдан чиқарилган Республика эшак эшиш каналида ўтказилаётган илк мусобақа ҳисобланади.

Турнирда Жанубий Корея, Франция, Хиндистон, Венесуэла, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларнинг терма жамоалари қатнашишмоқда.

Ўзбекистон терма жамоасининг тўлиқ таркиби шу hafta бошида Самарқандга етиб борди ва мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўрди.

"Самарқанд юлдузлари" халқаро турнири келгусида ҳар йили анаънавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, бу ерда 2013 йили XV Осиё чемпиони ҳамда ўсмирлар ўртасида қитъа чемпиони баҳслари ҳам ўтказилади.

Дзюдочиларимиз муваффақияти

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "Гран-при" туркумига кирувчи халқаро турнирда ўртгага яқин мамлакатдан 130 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида ташкил этилган мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учтадан кумуш ва бронза медал жамгарди.

Икки қарра жаҳон чемпиони ва Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров россиялик Алим Гаданов ва япониялик Масаси Кодерани енгиб, кумуш медални кўлга киритди.

Осиё чемпиони Рамзиддин Сайдов ва Шерали Жўраев иккитадан беллашувда ғалаба қозониб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Жаҳон чемпиони совриндори Дилшод Чориев, Осиё чемпиони бронза медали совриндори Ўтпир Қурбонов ҳамда ёш полвон Одижон Тўлаидиёев терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал келтирди.

Икки полвонимиз — жаҳон чемпиони!

Болгариянинг София шаҳрида самбо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 олтин ва 8 бронза медални кўлга киритди.

Дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан самбочилар қатнашган жаҳон чемпионида ҳамюртларимиздан Раҳмон Жумаев ва Камолиддин Расулов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Давлатжон Ҳамроев, Раҳмон Бойтўраев, Нодир Мирхалиқов, Бехрўз Турдиев, Валижон Искандаров, Азиз Хусайнов, қизлар мусобақасида Вероника Ковалёва ҳамда Маликабону Мирзаева терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал келтирди.

Полвонларимиздан медаллар шодаси

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё кубогига Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўн беш олтин, саккизта кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Мамлакатимизда спортнинг оғир атлетика тури ҳам изчил ривожланиб, спортчиларимиз қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонишмоқда.

Осиё кубогига асосан ёш спортчиларимиз қатнашди. Ўсмирлар ўртасидаги вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртларимиздан Раҳмон Штангани даст кўтаришда 105, силтаб кўтаришда 130 ва иккикураш бўйича 235 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медални кўлга киритди, у шунингдек, ёшлар ўртасидаги беллашувларда ҳам тенгсиз эканини исботлаб, уч маротаба шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 105 килограммгача оғирликдаги полвонлар ўртасида Сардор Дўстмуродов ёшлар ва катталар ўртасидаги баҳсда штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш натижаларига кўра энг юқори кўрсаткични қайд этиб, олтинга олтин медални кўлга киритган бўлса, 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида Аваз Идиев ҳам учта олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасида Баҳром Мендибоев ва Жаҳонгир Зиннатов учтадан кумуш, Уллубек Олимов иккита кумуш ва бир бронза медал билан тақдирланди.

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал ходими **Дониёржон ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Xabar» газетаси тахририяти 2013 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

1500 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири — **НОУТБУК;**

— **200 нусхада тўла бир йиллик** обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари — **300 МИНГ СЎМ;**

— **100 нусхада тўла бир йиллик** обуна уюштирган алоқа бўлимлари — **200 МИНГ СЎМ** билан мукофотланади.



1200 нусхада тўлиқ бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбектелеком» АҚ тизимидаги филиалларнинг ҳар бирига — **КОМПЮТЕР;**

— «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўъба корхоналарининг ҳар бирига — **ПЛАНШЕТ КОМПЮТЕР** берилади.

Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам тахририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.



Обуна тўғрисидаги ҳужжатлар тахририят танлов ҳайъатига юборилиши шарт.

Обуна мавсуми якунларига кўра, танлов голиблари газетада эълон қилинади.

Нашр кўрсаткичлари: — 228
Имтиёзли нархдаги нашр кўрсаткичи — 3228

Мукофотлар сизни кутмоқда!



Телефонлар: 288-40-72, 288-40-69, 288-40-66.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Г-1052 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 13851 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

| | | | | | | | | | | | | |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|----------------------|
| Андижонда 226-47-80 | Бухорода 223-27-85 | Гулистонда 40-12-19 | Жиззахда 226-06-34 | Навоийда 225-91-10 | Наманганда 232-97-86 | Нукусда 554-35-45 | Самарқандда 233-61-81 | Термизда 224-06-12 | Тошкентда 288-40-66 | Урганчада 226-37-16 | Фарғонада 224-91-56 | Қаршида 931-08-99 |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|----------------------|